

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
кўмандони ўринбосари -Кўриклаш бош  
бошкармаси бошлигининг 2019 йил 07 август  
кунидаги 42-сон буйругига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриклаш хизмати  
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриклаш  
хизматини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

Самарқанд ш.

2 /ц-сон

2022 йил «10» январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Кўриклаш бошкармаси томонидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ подполковник Р.М.Номозов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан «Буортмачи» эса Зерабчев НГБ юнандаги 2022 йил 5 январ № 01-32/Р-санни шубъегаси асосида (кейинги ўринларда «Буортмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қўйидагилар хақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриклаш хизмати, сокчилик кўриклари кўринишида Буортмачининг мулкини кўриклаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буортмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. Буортмачи Нарпай тумани Оқтош шаҳрида худудида жойлашган “Зирабулук Магистрал газ қувурлари бошкармаси”ни (кейинги ўринларда обьект деб юритилади) 11 (үн бир) та 24 (йигирма тўрт) соатлик, сафдаги кўриклари нарядлари пости орқали, кўриклаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг кўриклаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички обьект режими Буортмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килиниб унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник кўриклаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буортмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан кўриклаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда 5 иш куни ичida Миллий гвардия кўриклаш тури йўлга қўйилади.

Объектда сокчилик кўриклаш тури 5 иш куни ичida йўлга қўйилади.

**3-боб. Тўловларни амалга ошириши**

7. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос холда қўйидагича хисобланади:

пост-соат хисобида кўриклаш хизмати **ойига 710 406 070** (етти юз ўн миллион тўрт юз олти минг етминш) сўм, 12 ойга **8 524 827 840** (саккиз миллиард беш юз йигирма тўрт миллион саккиз юз йигирма етти минг саккиз юз қирқ) сўм;

8. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда кайта кўриб чикилади.

9. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлиб, мазкур Шартнома баҳосининг 100 фоизи микдорида тўловини амалга оширади.

10. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича кайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

11. Буюртмачи кўйидаги хуқукларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнда Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиши ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжуудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқла ган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

12. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост қурилмалари ва постларро алокса, ички ва шахар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиши воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошкалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар кандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсифидан 20 30 метр узоқликда (объект жойлашувини хисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишили ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни кайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиши, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк хуқукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 13 кун олдин ёзма тарзда огоҳлантириш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид кисми билан таништириш;

14. Ижрочининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

Ходимлар хизмат олиб бориши учун ажратилган бино, тақиқланган периметр худуд атрофи, кузатув миноралари, наряд йўлаклари ва коровулхона атрофи тозалигини саклаб туриш;

Табиий ва техноген фавқулотда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;

Хар йили камида 2 (икки) маротаба ва кузда тақиқланган худуднинг назорат из йўлagini доимий равишда шудгорлаш ва юмшатиш ишларини амалга ошириш (объект раҳбари билан келишган ҳолда);

Хар ойнинг 5-санасигача хисоб фактурани ва хизматлар далолатномасини тақдим этиш;

Объект раҳбарининг хар 6-12 ойда солиширма далолатномасини тақдим этиш;

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувоғик кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувоғик объективни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланётган худуддаги, лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш; объективда кириш-чиқиш ва объектив ички тартибига риоя этиш, объектив худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объективларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объективта киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объективни кўриқлаш вактида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объективда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объективта бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объективнинг даҳлесизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объективни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақириши, текшириши натижалари ва объективни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), нинг мавжудлигини таъминлаш;

объективни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объективдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объективнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда

Ижрочини бу ҳақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қалар ходиса юз берган жойнинг дахлизлигини таъминлаш.

### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

16. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисменинг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузин оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда копланади.

20. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартнома а кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу бу суднинг конуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни коплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни копланаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **7-боб. Форс-мажор**

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичida хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор холатларига сув тошқинлари, ер кимирилаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради. 26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

### 8-боб. Якуний қоидалар

27. Мазкур Шартнома имзолangan кундан бошлаб кучга киради. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари олувчилиари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.
28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда хамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзолangan тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.
29. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагида белгиланади:  
хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзолangan кундан бошлаб 1 (бир) йил муддатга тузилган бўлиб, Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунига кадар;  
Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчилиари бўйича-белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.  
Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 2 ой олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.
30. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.
31. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриклиш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.
32. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 2 ой олдин ёзма равишда маълум қилади.
33. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

#### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Самарканд вилояти Кўриклиш  
бошқармаси

#### Буюртмачи

Юридик манзили: Самарканд ш.Т.Малик

кўчаси 12-йй

Банк реквизитлари:

МФО:00022

Х/Р: 21596000800470456001


СТИР:201214264

ОКЭД: 181510

“Марказий саноат” Самарканд вилоят бўлуми

Бошқармаси

(133)



Р.М.Номозов



Дарёев Ш.Ж

05. Ноябр